



Ахборот-таҳлил
газетаси

НАМКОР

press



www.hamkorpress.uz



t.me/hamkorpress_gazeta

Газета 2004 йилдан чиқа бошлаган

2021 йил 28 октябрь. 20 (399)-сон

hamkor.press@mail.ru

ҚУТЛОВ

“Hamkorbank” АТБда ходимларни рағбатлантириш орқали меҳнат самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилади. Бу уларни ўз устида ишлаши ва фаоллигининг ошишига хизмат қилмоқда.

МУНОСИБЛАР МУКОФОТЛАНДИЛАР

Банк ташкил топган кун ва Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 30 йиллиги муносабати билан банк тизимидаги кўп йиллик самарали, садоқатли меҳнати, жамоадаги фаоллиги, ёш мутахассислар тарбиясидаги ва банкнинг мамлакат молия бозоридаги ўрнини мустаҳкамлашдаги хизматларини инобатга олиб, ходимлардан 4 нафари банкнинг II даражали “Самарали меҳнатлари учун” медали ҳамда 15 нафари “Hamkorbank” АТБнинг кўкрак нишони билан тақдирланган эди. Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда Банк Кенгашининг раиси Икромжон Ибрагимов соҳа фаолларини мукофотлар билан қутлади. Ўз ўрнида банкнинг юксалишига муносиб ҳисса қўшганликларини алоҳида таъкидлади.

Шундан сўнг Банк Бошқаруви раиси Бахтиёржон Жўраев медаль, кўкрак нишони ҳамда пул мукофотларини ўз эгаларига топширди. Кейинги фаолиятларига муваффақиятлар тилади.

Тақдирланганлар орасида Бухоро филиали бошқарувчиси Алишер Мухторов ҳам бор. У камтарона меҳнатларининг бундай даражада улуғланаётганлиги учун банк раҳбарияти ҳамда жамоат ташкилотларига ўз миннатдорлигини билдирди.

(Мукофотланганлар ҳақида газетамизнинг келгуси сонларида ўқийсиз).

КУН ҲИКМАТИ:

Сени касоду инқирозга учрашдан огоҳ қилувчи кишига лутф билан муомалада бўл, “қўрқма”, “зарари йўқ”, “зиёни йўқ”, деб юпатувчилардан узоқроқда бўл.

Маҳмуд аз - ЗАМАҲШАРИЙ



“Hamkorbank” АТБнинг Чирчиқ филиали жамоаси асосан ёш кадрлардан иборат. Ишдан ташқари ходимларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу жамоада соғлом муҳитнинг шаклланиши, ҳамкасблар ўртасидаги дўстона муносабатларнинг мустаҳкамланишига хизмат қилмоқда.

(Филиал раҳбари Фурқатбек Эрназаров билан суҳбатимизни 8-саҳифада ўқинг).

ИҚТИСОДИЁТ

Ўзбекистон Республикаси Президенти 23 октябрь кун “Суғурта бозорини рақамлаштириш ва ҳаёт суғуртаси соҳасини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорни имзолади.

СУҒУРТАЛАР ЭЛЕКТРОН ШАКЛГА ЎТАДИ

Ҳужжатга мувофиқ, 2022 йил 1 июлдан бошлаб суғуртанинг барча турларини (классларини) электрон шаклда амалга оширишга рухсат берилди. 2023 йил 1 январдан мажбурий суғуртанинг барча турлари бўйича суғурта полисларини қоғоз бланкаларда расмийлаштириш амалиёти бекор қилинади.

2022 йил 1 январдан 2025 йил 1 январгача ҳаёт суғуртаси соҳасидаги суғурта ташкилотларининг мазкур фаолияти қисми учун ҳисобланадиган фойда солиғи бўйича белгиланган солиқ ставкаси 50 фоизга камайтирилади.

2022 йил 1 январдан 2024 йил 1 январгача иш берувчи томонидан ўз ходимлари учун бахтсиз ҳодисалардан эҳтиёт шарт суғурта қилиш ва тиббий суғурта турлари бўйича тузилган суғурта шартномалари асосида Ўзбекистонда суғурта фаолиятини амалга оширишга лицензияси бўлган юридик шахсларга йўналтирилаётган маблағлар жисмоний шахсларнинг жами даромади сифатида қаралмайди.



БОЖХОНА СОЛИҒИДАН ОЗОД ЭТИЛГАН МАҲСУЛОТЛАР

Ҳукумат қарори билан 2022 йил 1 майгача банан, плантайнлар, анжир, ананас, авокадо, манго, гуайява, мангостан, олма, нок, киви ва бошқа цитрус мевалар божхона божидан озод қилинди.

“Аҳолини асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан кафолатли таъминлаш ва ички бозорда нархлар барқарорлигини сақлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ҳукумат қарорига кўра, 2022 йил 1 майгача қуйидаги товарлар божхона божидан озод қилинади:



- бананлар, плантайнлар (янги ёки қуритилган);
- янги ёки қуритилган финикилар, анжир, ананаслар, авокадо, гуайява, манго ва мангостан ёки гарциния;
- янги ёки қуритилган цитрус мевалар;
- янги папайя;
- янги олма, нок ва беҳи;
- киви.

Шунингдек, қарор билан гўшт (мол, қўй, товуқ), тирик ҳайвонлар (қорамол ва парранда) ва уларни сўйиш маҳсулотлари, картошка ҳамда музлатилган балиқни Ўзбекистонга олиб кириш, уларни сотиш бўйича айланмаларни ҚҚСдан озод қилишни назарда тутувчи қонун лойиҳаси ишлаб чиқилади.




Қадрли юртдошлар! Газетамизга 2022 йил учун обуна давом этмоқда. Вақтни ўтказмай нашримизга обуна бўлишга шошиллинг. “НАМКОР PRESS” йил давомида сизнинг севимли суҳбатдошингиз ва ҳамкорингизга айланади.

Обуна — 2022

МАЪЛУМОТ ЎРНИДА: Газетамизга обуна бўлишда “Hamkorbank” АТБнинг Каттақўрғон, Асака, Бухоро, Марғилон, Авиасозлик, Қўқон ва Наманган минтақавий филиаллари жамоалари ташаббус кўрсатмоқда. Ҳамкорлик учун ўз миннатдорлигимизни билдирамиз.

2022 ЙИЛ УЧУН ОБУНА БАҲОСИ — 120 МИНГ СЎМ

ИҚЛИМДАН ДАРАКЛАР



Дубайда дунёдаги энг катта томоша ғилдираги — Ain Dubai (Дубай кўзи) очилди. 250 метрлик аттракцион сунъий оролда бунёд этилган.

250 МЕТРЛИ “ДУБАЙ КЎЗИ”

Аттракционда 48 та кабина бор ва ҳар бирига 40 нафаргача одам сиғади. Томоша ғилдирагида бир вақтнинг ўзида 1750 киши айланиши мумкин. Ғилдиракнинг битта тўлиқ айланиши 38 дақиқа вақт олади.

Этиборлиси, аттракцион кабиналари ўлчамли иккита ёнма-ён қўйилган икки қаватли автобусдан каттароқ.

“ИҚЛИМ УРУШИ”ДАН ОГОҲЛАНТИРДИ

АҚШ Марказий разведка бошқармаси чоп этган маърузага кўра, яқин ўн йилликларда сайёрадаги иқлим ўзгариши сабабли дунёга глобал ҳарбий можоро хавф солиши эҳтимоли бор.

Таъкидланишича, 2040 йилгача дунёда “иқлим тўқнашувлари” бошланади, бунда томонлар бири-бирига қарши қурғоқчилик ва

сув тошқини каби табиий офатларни кучайтирувчи технологияларни қўллайди. Гап, биринчи навбатда, геомуҳандислик технологиялари ҳақида бормоқда.

Ҳисоботда глобал иқлим ўзгаришининг салбий оқибатларидан энг кўп азият чекувчи 11 давлат санаб ўтилган ва улар омон қолиш учун ҳаддан ташқари чоралар кўриши мумкинлиги билдирилган. Гап, ядро қуролига эга бўлган Хитой, Ҳиндистон ва Покистон, шунингдек, Афғонистон, Шимолий Корея, Мьянма ҳамда Марказий ва Жанубий Американинг бир қатор давлатлари ҳақида бормоқда.

БАЙДЕН ОБАМАНИ ОРТДА ҚОЛДИРДИ

АҚШ Президенти Жо Байденнинг фаолиятини маъқуллаш бўйича рейтинг у лавозимига киришганидан то шу пайтгача 11,3 фоизга пасайди.

Gallup социологик хизмати томонидан ўтказилган тадқиқотда билдирилишича, Байден рейтингининг биринчи уч чоракда пасайиши Иккинчи Жаҳон уруши тугаганидан бери сайланган Америка Президентлари орасида энг катта пасайиш бўлди. Аввалги анти-рекордни АҚШнинг 44-Президенти Барак Обама ўрнатган — Президентлик давридаги дастлабки уч чоракда унинг рейтинги 10,1 фоизга пасайган эди.

ЭНДИ НАВБАТ КИЧИК БОЛАЛАРГА

Хитойнинг 5 та провинциясида 3 ёшдан 11 ёшгача болаларни коронавирусга қарши эмлаш бошланади. Расмий маълумотларга кўра, мамлакатда 76 фоиз аҳоли вирусга қарши эмланиб бўлган. Мамлакатнинг бирор ерида касалланиш ўчоғи пайдо бўлиши билан унга қарши кескин чоралар кўрилмоқда.

Ҳукумат 3 ёшдан катта болаларни Sinopharm ва Sinovac вакциналари билан эмлашга рухсат берган. Ҳозирча мамлакатда 12 ёшдан катта болаларгина эмланган.

“Tesla Inc” асосчиси Илон Маск яна бир компанияси — “SpaceX” шарофати билан жаҳондаги биринчи триллионерга айланиши мумкин.

ИЛОН БИРИНЧИ ТРИЛЛИОНЕРГА АЙЛАНДИМИ?

“Morgan Stanley” таҳлилчиси Жонаснинг фикрича, 200 миллиард долларга баҳоланаётган “фазовий” бизнес Маскнинг бойлиги 1 триллион долларга етишида трамплин вазифасини ўтайди.

Бошқа экспертлар ҳам Маскнинг триллионер бўлишини истисно этишмаяпти. У “Amazon” асосчиси Жефф Безосни ортда қолдириб, дунёдаги энг бой одамга айлангани дунё аҳлига яхши маълум.

Мадагаскар жанубида яшовчи бир миллиондан ортиқ аҳоли глобал иқлим ўзгаришлари, кўп йиллик қурғоқчилик оқибатида тарихдаги биринчи очарчиликдан азият чекмоқда.

ЧИГИРТКАЛАРНИ ЕБ ЖОН САҚЛАШМОҚДА

Африканинг мазкур ҳудуддаги айрим жойларида одамлар экин-тикин қилишлари мумкин бўлсада бу имконият йил сайин чекланиб борапти. Аммо жанубда деярли ҳеч нарсаси бўлмади. Одамларнинг куни фақат мевалар, кактусларнинг барглари ва чигирткаларга қолган...

Бутунжаҳон озиқ-овқат дастури Мадагаскар ҳукумати билан ҳамкорлик қилмоқда. Натижада қарийб 700 минг кишига озиқ-овқатлар етказиб берилди,

СОБИҚ ПРЕЗИДЕНТ УЗР СЎРАДИ

Қозоғистон собиқ президенти Нурсултон Назарбаев ўзи ҳақида тайёрланган фильм-интервьюда халқдан узр сўради. “Мен ҳеч қачон айтмаган нарсани айтаман. Бу сиз учун сенсация бўлади. Мен халқдан кечирим сўрайман. Буни айтиш жуда қийин”, — деган у бошидан кечирган қийинчиликлари ҳақида.

Бундан ташқари, собиқ Президент Қозоғистонда коррупцияда айбланиб, умрбод қамоқ жазосига ҳукм

қилинган банкир Мухтор Аблязовнинг қочиши, шунингдек, Шарқий Қозоғистон вилояти ҳокимлигини

сепаратистлар томонидан эгаллашга уриниш ҳақида гапирган. Сепаратистлар бу вилоятда “Рус ери”ни тузмоқчи эдилар. Биринчи Президент Қирғизистондаги инқилоблар натижасида қочган икки Президент — Асқар Акаев ва Курманбек Бакиевларнинг самолётларини Қозоғистонга учиб келишини ҳам эслаб ўтган.

Банк ва мижоз ўртасида кредит шартномаси шартларини ўз вақтида ва тўлиқ бажарилмаслиги тарафларга бир қатор ноқулайликларни юзага келтириши барчамизга маълум. Шундай шартномавий муносабатларга оид суд иши “Hamkorbank” АТБ Жиззах филиали биносида сайёр суд мажлисида кўриб чиқилди.

ТЎЛАНМАГАН КРЕДИТ УНДИРИЛАДИ

Фуқаро Н.Б 2018 йил 11 сентябрда Жиззах филиалидан 1495-сонли кредит шартномасига асосан микроқарз учун 36 ой муддатга йиллик 36 фоиз устама тўлаш шarti билан 8 000 000 сўм кредит олган. Кредит қайтарилиши таъминоти сифатида Х.А исмли фуқаронинг кафиллиги тақдим қилинган.

Шартнома шартларига кўра Н.Б ҳар ойнинг 5 санасига қадар кредитнинг асосий қисмидан белгиланган суммани ҳамда ҳисобланган фоиз тўловларини тўлаб бориши белгиланган. Аммо қарз олувчи мунтазам равишда шартнома шартларини бузиб келган ва тўловларни ўз вақтида амалга оширмаган.

Даъвогар судга даъво аризаси билан мурожаат қилган вақт Н.Бнинг тўлов муддати ўтган кредит асосий қарзи 2 096 006, 05 сўм, ҳисобланган муддати ўтган фоиз қарзи 1 216 956,33 сўм, муддатли асосий кредит қарзи 2 733 223, 19 сўм, ҳисобланган пеня 225 560, 02 сўм — жами 6 271 745,59 сўм қарздорлиги мавжуд бўлган.

Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 736-моддаси 2-қисми талабига кўра, агар қарз шартномасида қарзни қисмлаб (бўлиб-бўлиб) қайтариш назарда тутилган бўлса, қарз олувчи қарзнинг навбатдаги қисмини қайтариш учун белгиланган муддатни бузган тақдирда, қарз берувчи

қарзнинг қолган барча суммасини тегишли фоизлар билан бирга муддатидан олдин қайтаришни талаб қилишга ҳақли. Шунингдек, мазкур кодекснинг 293-моддасида қарздор кафиллик билан таъминланган мажбуриятни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда кафил ва қарздор кредитор олдида

САЙЁР СУД



солидар жавоб беришлари назарда тутилган.

Суд иш ҳолатларини ҳар томонлама ўрганиб чиқиб, тарафлар ўртасида кредит шартномаси ва кафиллик шартномасининг имзоланганлиги, жавобгар кредит ва

фоизларини қайтариш графигида белгиланган муддатларни мунтазам бузиб келганлиги, ушбу ҳолат тарафлар ўртасида низо келиб чиқишига сабаб бўлганлигини, кредит шартномаси ва қонун талабига асосан банк кредитини муддатидан олдин талаб қилиш ҳуқуқини вужудга келтириши, жавобгарлар кредит қарздорлиқни қоплаш чорасини кўрмаганлигини инобатга олиб, даъвони қаноатлантириб, жавобгарлардан солидар тартибда жами 6 271 745,59 сўм қарздорлиқни ундириш ҳақида ҳал қилув қарори чиқарилди.

Хулоса қилиб айтганда, ушбу ҳолат, кредитор ва қарз олувчи ўртасида имзоланган кредит шартномаси шартларига риоя қилган ҳолда кредит тўловлари ва фоизларини ўз вақтида тўлиқ тўлаб борилишини тақозо этади.

Эрмат ТОЖИБОВ,
Фуқаролик ишлари бўйича
Жиззах туманлараро суди судьяси.
Абдор БОБОМУРОДОВ,
судья ёрдамчиси.

УЗОҚДАГИ ҲАМКАСБЛАРИМИЗИ ҲАМ ТАНИЯПМИЗ

**Руфина СОДИҚОВА,
Денов филиали биринчи
тоифали офис менежери:**




— “Hamkor press”нинг доимий ўқувчилариданман. Филиалимизда мен каби нашрнинг мухлислари кўпчиликни ташкил этади. Газетага бўлган қизиқиш ва иштиёқимиз сабаб жамоамиз билан 2022 йил учун биринчилардан обуна бўлдик.

Банкимиз фаолиятига бевосита алоқадор мавзуларни бериб боргани учун “Hamkor press”нинг ҳар бир сонини кутамиз. Шу орқали бошқа тармоқлар ва улардаги ҳамкасбларимиз фаолияти билан яқиндан танишамиз, ютуқларидан бохабар бўламиз.

Газетани қанча кўп ўқисак, фикрлаш доирамиз кенгаяди, нутқ маданиятимиз ривожланади. Бу нашр бизга фақат фойдали маълумотлар тақдим этади. Рангли саҳифаларда чоп этилиши ҳам диққатимизни тортади. Хоҳлардикки, республикамиздаги бошқа банклар ва дунё банклари ҳақида ҳам қизиқарли маълумотлар бериб турилса. Жаҳонда содир бўлаётган долзарб ва сиёсий воқеалар ҳам кенгроқ ёритиб борилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

КЕЛГУСИ ЙИЛДА ҲАМ БИРГАМИЗ

**Козимжон ЮНУСОВ,
Қўқон шаҳридаги “Уста Юсуфжон наққош”
ойлавий корхонаси раҳбари:**



— Бобомиз Юсуфжон наққош моҳир уста эдилар. Отам олтинчи, мен еттинчи авлод наққошлармиз. Қадимий Қўқон меъморчилик санъат мактабининг асосчиси Қодиржон Ҳайдаров аъналарини давом эттириб келяпмиз. Ёғочдан санъат асарлари — эшик-ром, дарвоза яшадан тортиб, айвон устунларига ноёб нақшларни чизамиз.

Чизмалар нозик дид, моҳирлик, маънавий билим ва салоҳият талаб қилади. Газетачиликни ҳам худди наққошликка менгзайман. Боиси унда ҳам юқоридаги сифатлар кузатилади.

Биргина мақолани яратиш ёки тўрт қатор сўзни ёзишнинг ўзи бўлмайди. Нозик қалб ва юксак дид, билим ва маънавий озуқа керак бўлади. “Hamkor press” газетаси ходимлари ҳам наққош янглиғ сатрларни битадилар. Уларнинг ёзганларини оиламиз билан ўқиймиз. Бизга ёққани учун ҳам обуна бўламиз. Таҳририят ижодкорларининг ишларига муваффақиятлар тилайман. Келгуси йилда ҳам бирга бўлиш насиб этганидан хурсандман.

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги ва “Hamkorbank”

АТБ ташкил топган куннинг 30 йиллиги муносабати билан ҳамда банк ходимлари ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, спортни оммалаштириш мақсадида банк филиаллари жамоалари ўртасида мини футбол бўйича саралаш ўйинлари бўлиб ўтди.

“HAMKORBANK” КУБОГИ ҒОЛИБИ АНИҚЛАНДИ

15-16 октябрь кунлари Тошкент шаҳрида ташкил этилган Республика финал босқичида Банкнинг Бош офиси, Юксалиш, Тошкент ва Бухоро филиаллари жамоалари ўзаро баҳс олиб борди.

Дўстона руҳда ва юқори савияда кечган мусобақада Тошкент филиали ғолиб бўлиб, кубок соҳибига айланди. 2-ўринни Юксалиш, 3-ўринни Банкнинг Бош офиси ва Бухоро филиали



жамоалари эгаллади.

Ғолибларга Банк Бошқаруви ҳамда Бирлашган касаба уюшмалари қўмитасининг диплом ва пул мукофотлари топширилди.

Элёрбек АБДУҚОДИРОВ.

Ҳар бир миллатнинг ўзига хос маънавиятини шакллантириш ва юксалтиришда, шубҳасиз, оиланинг, оилада эса аёлнинг ўрни ва таъсири беқиёсдир. Инсоннинг энг соф ва покиза туйғулари, илк ҳаётий тушунча ва тасаввурлари, аввало, оилада ва она тарбияси билан шаклланади.

ХОТИН-ҚИЗЛАРГА ЭЪТИБОР



Бугунги аёлнинг ижтимоий ҳаётдаги роли ғоят муҳим аҳамиятга эга. Боис уларнинг мавқеи ҳар жиҳатдан юқори баҳоланмоқда. Опа-сингилларимиз нафақат иш

фаолиятида, балки, жамоатчилик ишларида ҳам илғор ва ташаббускор.

“Hamkorbank” АТБ хотин-қизлар қўмитаси томонидан Фарғона минтақавий филиали ўқув

залида Фарғона вилояти ҳудудида фаолият кўрсатётган филиаллар хотин-қизлари учун “Аёл психологияси” мавзусида семинар ўтказилди. Унда аёлларнинг жамиятдаги ўрни, психологияси, оилада ва иш фаолияти давомида юзага келадиган низоли вазиятларни олдини олишда нималарга эътибор қаратиш зарурлигига эътибор қаратилди.

Мавзу юзасидан халқ таълими аълочиси, Фарғона вилояти педагог ходимлар малакасини ошириш институти директорининг ўринбосари, “Grand medical service” маркази директори, психология фанлари номзоди, доцент Шириной Мустафаева маъруза қилди. Семинар давомида назарий билимлар амалий машғулотлар орқали тақдим этилди ва иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Келгусида шундай семинарлар Тошкент шаҳри ҳамда вилоятлардаги ҳудудий филиаллар аёллари учун ҳам ўтказилади.

**Манзураҳон
ТЎХТАСИНОВА.**

Иқтисодчилар сулоласида камол топган Фотима Ниёзметова тиришқоқлиги билан ўз касбидан ҳурмат топди. У ўрта мактабни тугатиши билан аниқ фанлар йўналишидан боришини, келажagini ҳам ўз оила аъзолари каби кўрарди. Умуман олганда, қизиқиши банк ходими ёки бирор идорада отаси каби иқтисодчи бўлиш эди. Отаси Маъмур ака Ниязметов қизининг жуда нозиклигидан уни мусиқачи бўлишни хоҳларди. Онаси Дилбар опа эса ўқитувчи бўлса керак, “жуда ҳушёр қизим, етакчи қизим”, дея алқарди. Бироқ Фотима ота изидан борди. Ўз фикрида қатъий турди — иқтисодчи, молиячи. Эгизак қизлар — Фотима ва Зухра Зомин туманидан Тошкентга ўқишга келишди.

Дастлабки иш фаолиятини 2001 йилда “Пахтабанк” (ҳозирги

ИЗЛАНУВЧАН ФОТИМА



“Агробанк”)да кассирликдан бошлади. Илгари барча маълумотлар қўлда ёзиларди. Тиришқоқ, ҳозиржавоб Фотима тез орада

чаққон ва изланувчан ходим сифатида жамоа ҳурмати қозонади. Ҳамкасбларидан билмаганларини ўрганди. 2003 йилда оила аъзолари билан пойтахтга кўчиб келгач, “Hamkorbank”нинг Тошкент филиалида фаолиятини котибаликдан бошлайди. Мазкур жамоада ҳам ҳурмат топган Фотима кассир, валюта айрибошлаш шохобчаси ва мини банк шохобчаларида кассир бўлиб ишлайди. Ва филиалда касса мудири даражасига етади. У ўзига муносиб кўрилган вазифани доим тўлақонли бажаришга интилади ва уддасидан чиқадиган ходим.

— Инсон қайси бир лавозимда ишламасин, уни шараф билан бажариши лозим, — дейди Фотима Ниёзметова. — Мен ҳаётим даво-

ҲАМКАСБЛАРИМИЗ

мида кўп инсонлар билан танишдим. Кўпчилик билан дўстлашдим. Ўзимга керакли сабоқ олдим. Ҳаётда фаоллик ва танбаллик икки йўлдир. Улардан бири эл ҳурмати, иккинчиси эса нафратига дучор қилади.

Тўғри йўлдан кетиш инсоннинг ўзига боғлиқ. Эринчоқлик, лоқайдлик, сустлик муваффақият олиб келмайди. Доим курашиш, интилиш, ўрганиш, ўқиш, изланиш, ҳаракатда бўлиш келажакни белгилашни тушуниб етди.

“Hamkorbank”нинг Учтепа филиали очилгач, Уни касса амалиётлари бўлимига мудир лавозимига таклиф қилишди. Бу ерда самарали хизмат қилаётган Фотимахон ҳамкасбларига маслақдош, ёшларга мураббий.

Холида ҚОБУЛОВА.

“Hamkorbank” АТБнинг Ҳазорасп филиали 2018 йилда очилган. Дастлаб 12 нафар ходим билан хизмат кўрсатишни бошлаган филиалимиз шу йилнинг ўзида юқори кўрсаткичларга эришди. Мижозлар сони 322 тага етди. Бу уларнинг банкимизга бўлган ишончининг ифодасидир. Бундай натижага ҳамкасбларимнинг тезкорлиги, банк талабларининг вақтида бажарилиши ҳисобига эришилгани, шубҳасиз. Ҳозирда мижозларимиз 766 тага етди. Улардан 303 таси юридик мақомга эга. Якка тартибдаги тадбиркорлар 463 тани ташкил қилади. Бу қисқа фурсатда юқори самара демандир.



ЙИРИК МИЖОЗЛАР РИВОЖЛАНИШДА

Янги очилган филиаллар ичида йилни фойда билан якунлаб, фахрли 2-ўринни эгаллаган жамоамиз муносиб рағбатдан хурсанд



бўлиб кейинги йилларда ҳам пешқадамликни бой бермади. Жорий йил янада муваффақиятли ўтпти. 1-3 чорақларни яхши кўрсаткичлар билан якунлаб, 1-ўринни қўлга киритдик.

9 ой якуни бўйича банкнинг жами кредит қўйилмалар қолдиғи 106 млрд. сўмга етказилиб, белгиланган режа 149 фоизга бажарилди. Аҳоли омонатлари миллий сўмда 150 фоизга ўсди. Чакана хизматлари томонидан барча турдаги хизматлар кўрсатиб келинган.

Туман марказида банк филиалига қарашли Само банк хиз-

матлар офисининг реконструкция қилингани эътиборга молик. У ерда 5 нафар ходим аҳоли ва тадбиркорларга банк хизматларини кўрсатмоқда.

Бугун филиалда тажрибали ва изланувчан 32 нафар ходим фаолият олиб борапти. “Ботир техник” ва “Инвест авто гранд”, “XORAZM PITNAK PLAST” ҳамда “MRM DECOR” масъулияти чекланган жамиятлари, “HAZORASP NURLI ZAMIN” оилавий корхонаси каби йирик мижозлар билан молиявий куч-қудратга эгамиз. Улар асосан саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва қурилиш соҳалари бўйича жамиятимиз ривожига ўз ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар.

Дилшодбек АБДУЛЛАЕВ,
Ҳазорасп филиали раҳбари.

СЎЗ — ҲОЛИБЛАРГА

Юнусобод “Hamkorbank”нинг энг ёш филиалларидан бўлишига қарамай, сўнгги пайтларда ижобий кўрсаткичлари билан тез-тез тилга олинадиган бўлди. Шу йилнинг учинчи чорақ якунларига кўра, 1-гуруҳ филиаллари орасида биринчи ўринни эгаллади. Хўш, бунинг ортида қандай омиллар ётибди? Бу борада филиалнинг корпоратив хизматлар бўлими бошлиғи Ғайрат Бегбўтаев ўз фикрларини билдириб ўтди.

ЙИЛЛИК ДОВОН 9 ОЙДА ЗАБТ ЭТИЛДИ

— Аввало, ўз гуруҳимизда етакчиликни қўлга киритишимизга 9 ойлик режани 115 фоизга бажарганимиз сабаб бўлди. Йиллик режамиз 7,4 миллиард сўм эди. Учунчи чорақ якунидаёқ ушбу рақамни 8,48 миллиард сўмга етказдик. Бу жуда катта натижа.

Жамоамиз 45 кишидан иборат, корпоратив хизматлар кўрсатиш бўлимида 7 нафар ходим фаолият олиб бормоқда. Бошқарувчимиздан тортиб кассиргача доимий изланишда. Ҳамма натижа учун ҳаракат қиляпти. Масалан, 9 ой давомида бизнинг бўлим жами фойданинг 73 фоизини берди. Мана шу вақт давомида 3 донa VIP ва 250 дан ортиқ бошқа юридик мижозлар жалб қилдик. Мижозлар билан илқ муносабатларни йўлга қўйишимизда ва кўрсаткичларимизни юқорилашида халқаро валюта амалиётлари бўйича ҳисоб-рақам менежери Лейла Эргашева, оммавий сотиш менежери Элёр Назиров, транзакцион ҳисоб-рақам менежери Дилбар



Ниязимбетоваларнинг ҳиссаси катта бўлди. Саъй-ҳаракатларимизнинг натижаси ўлароқ ҳозирда 605 та юридик мижозга эгамиз.

Муваффақиятимизнинг яна бир сабаби, катта даромад келтирадиган йирик мижозлар билан ўрнатган ҳамкорлигимиз бўлди. Февраль ойида “Ўзмахсуссвтаъмиртаъминот” АЖ, апрелда Фармацевтика таълим ва тадқиқот институти билан шартнома имзолаган эдик. Ҳисобрақамида катта миқдордаги ресурс маблағларига эга бу мижозларимиз фойда даромадимизга муҳим ҳисса қўшган.

Учинчи чорақ якунидаги етакчилигимиз учун жамоамиз 25 миллион сўм пул мукофоти билан тақдирланди. Қизғин иш кунидан сўнг маданий ҳордиқ чиқариш мақсадида “Браво” жамоасининг концерт дастурига жамоавий ташриф буюриб, бир олам таассуротлар билан қайтдик. Насиб қилса, тўртинчи чорақда ҳам самарадорликни пасайтирмай йилни юқори натижалар билан якунлаймиз.



“Hamkorbank” АТБ Истиқбол филиалининг фаолият кўрсаткичлари ва мижозларга кўрсатаётган хизматлари юқори. Бир неча йилдирки, банк филиаллари ўртасида ўтказилаётган танловларда пешқадамлик қиляпти. Ўтган йил якуни бўйича 3-гуруҳ филиаллари ичида “Энг сифатли хизмат” номинацияси ғолиби бўлган Зухраҳон Ризаева банкнинг 2-даражали “Самарали меҳнатлари учун” медали соҳибаси бўлганида ходимларнинг кайфияти янада кўтарилди. Яқинда Акбаржон Холматовнинг “Hamkorbank” томонидан таъсис этилган кўкрак нишони билан тақдирланиши ҳам уларнинг кучига куч қўшди. Энди янада фаол ишлашни ният қилган жамоанинг муваффақиятлари ортди. Жорий йил III чорақ якуни бўйича “Энг самарали филиал” номинацияси бўйича рейтинг натижаларига кўра яна 1-ўринни қўлга киритилди.

ҚУВОНЧУ ТАШВИШИ БИР ЖАМОА



— Қўплаб мижозлар микроқарз кредити бўйича мурожаат қилади ва тез, сифатли хизматлар асносида муродлари ҳосил бўлади, бундан хурсандмиз. Шунингдек, филиалимиз бош банкка салоҳиятли ва билимли кадрлар етиштириб беришда ҳам фаол. Молия муассасамизда иш бошлаган 10 га яқин ходим айна дамда бош банкда турли лавозимларда ишламоқда, — дейди филиал бошқарувчиси Аҳрорбек Мўйдинов.

2020 йилда “Hamkorbank”нинг 2-даражали “Самарали меҳнатлари учун” медали билан тақдирланган Эркин Мадалиев 16 йил филиалга раҳбарлик қилди. Унинг раҳбарлигида банк сирларини ўрганган қўплаб ёшлар ҳаётда ўз ўринларини топдилар. Айна пайтда раҳбарлик қилаётганига кўп бўлмаса-да, жамоанинг ҳурматини қозонган А. Мўйдинов “иш унуми интизомда”, дея кўп такрорлайди. Ходимлар ҳам бунга амал қилади.

Аҳиллик бор жойда қут-барака бўлади, дейдилар. Жамоада ана шу аҳиллик мужассамки, муваффақиятларга эришиляпти. Тафаккур ва изланиш, интилишлар, замон билан ҳамнафас иқтисодий ўсишлар иқтидорли ва билимли ёшлар шижоатида мужассам. Уларга Фотима Каримова, Дилбархон Алиева, Эльвина Амирова каби устоз мақомига етганлар бор билим ва тажрибаларини ўргатмоқда. Камолитдин Исақов, Камолитдин Шерматов, Шаҳноза Имомова, Ҳусниддин Эрматов ва Ферузахон Ҳайдаровалар намунали хизмат кўрсатишда ҳамкасбларига ўрнатилган бўлмоқдалар.

Ҳа, жамоанинг қувончу ташвишлари бир. Бир-бирларига елкадош, сирдош, худдики бир оила. Ютуқлардан қувонишни ҳам билишади.

Нилуфар ЙЎЛДОШЕВА.

Хонобод шаҳрини азалдан “иккинчи Швейцария”, дея таърифлашади. Иқлими жуда баҳаво, кўчалари сокин. Эпкин ҳавосидан танингиз яйрайди. Биз шундай сўлим шаҳарда аҳолига банк хизматлари кўрсатамиз.

“Hamkorbank” АТБда 2015 йилдан буён ишлайман. Кўрғонтепа филиали, Қорасув мини банкида фаолият юритдим. Кассирлик қилдим, универсал менежери вазифасини бажардим. Ҳозир истеъмол кредити менежериман. Жамоамиз ихчам, 5 кишидан иборат.

Шоҳобчамиз деҳқон бозори билан бир девор — қўшни. Бозорга келган одам, албатта, банкимизга кириб ўтади. Бу бинога шу йил Мустақиллик байрами арафасида кўчиб ўтдик. Унгача шаҳарнинг Мустақиллик кўчасида фаолият олиб борардик.

Банкларнинг фаолиятига географик жойлашуви жуда катта таъсир кўрсатишига яна бир ишонч ҳосил қилдим. “Hamkorbank” Хонободда 2009 йилдан буён фаолият кўрсатаётган бўлсада, кўпчилик бу банк ҳақида яхши билмас эди. Сабаби, шаҳарнинг гавжум бўлмаган жойида, кўп қаватли уйлар орасида жойлашганди.

Ҳозир бир кунда ўртача 100 нафар фуқаро мурожаат қилади. Банкоматдан ташқари, пластик картанинг

ўзидан кунига 100 миллион сўм пул ечилади. Ойлик соф даромадимиз 120-130 миллион сўмдан ошмоқда. Ваҳоланки, Хонободнинг ўзига яраша турмуш тарзи бор.

Шаҳардаги 2 та катта заводда 10 минг нафарга яқин аҳоли ишлайди. Ишга эрталаб кетиб, кеч қайтишгани учун кундузи шаҳар ҳаминша сукунат-



да. Кўчаларда одамларни деярли

учратмай-сиз. Шундай бўлсада, хизматла-

римиз маъқул бўлиб, миждларимиз кун сайин ортмоқда.

Айни пайтда 50 га яқин юридик шахслар билан шартнома тузганмиз. Энг кўп даромад бераётгани “Гидроспецмонтаж” МЧЖ. Бу корхона республика бўйлаб буюртма асосида сув насос қувурларини ўрнатади. Тез орада йирик ҳамкорларимиз сони янада ортади, деган умиддамиз.

Тўғри, иш ҳажмимиз юқори бўлиши мумкин. Аммо қанча кўп меҳнат қилсак, шунга яраша ҳақ олиб, роҳатини кўряпмиз. Айрим тенгдошларимиз хорижий давлатларда ишлаб тополмаган даромадни биз шу ерда ҳалол меҳнатимиз

билан қўлга киритяпмиз. Мана, универсал менежеримиз Умиджон Зокиров БХОмизга бир йил аввал “Саноатқурилишбанк”дан ўтган. Бошқа банкдан бошқарувчиликка буйруқ чиқаётган пайтда, у таклифни рад қилиб, “Hamkorbank”ни танлади. Энди тўғри қарор қабул қилганидан хурсанд.

Кичик жамоамиз доим изла-нишда. Ишонаманки, Хонобод банк хизматлари офиси яқин вақтлар орасида ўз кўрсаткичлари билан “Hamkorbank”нинг энг илғор тармоқларидан бирига айланади.

Баҳодир ЎКТАМОВ.



Ургутда билимли, изланувчан ва иқтидорли ёшлар жуда кўп. Мен ҳам улар қаторида эканлигимдан фахрланаман. Лицейда ўқиб юрган кезларимда ҳар йили математикадан фан олимпиадасида иштирок этардим. Аниқ фанларни севишим, аъло баҳоларга ўқиганим асқотди. 2004 йилда Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти Банк-молия факультетида давлат гранти асосида ўқишга кирдим ва 2008 йилда муваффақиятли тамомладим. Дастлабки фаолиятим таҳсил олган лицейимда бошланди. Банк иши-ҳисоб-китоб жону дилим бўлгани боис банк соҳасида ишлаш ниятида эдим.

НАВБАТДАГИ САЁҲАТИМИЗ – ПОЙТАХТГА


2010 йилнинг 17 октябри унутилмас кун бўлган. Замира Ўктамова бошчилигидаги ходимларнинг танлаш комиссияси томонидан ўтказилган тест ва суҳбатдан муваффақиятли ўтдим. Беш ой “Hamkorbank” АТБ Амалиёт бошқармасида иш ўрганувчилик курсида ўқидим. Мана шу давр ҳаётида муҳим ўрин тутди. Ўрганганларим гўё тошга битилгандай муваффақиятлар эшигини очди. 2011 йилдан Самарқанд филиали Афсона мини банки кассири ва 2012 йилдан Ургут мини банкида микрокредит менежери лавозимида ишладим.

Дарвоқе, банк билан боғлиқ фаолиятимни ҳамкасбим Зафаржон Тилавулов билан бошлаганмиз. Иш ўрганувчи дав-

ридан то бугунги кунга қадар бирга фаолият юритиб келяпмиз. Ургут мини банкида ҳам микрокредит йўналишида маслакдош бўлдик. Ўша даврда мини банк бошлиғи Исомиддин Дўстов, микрокредит менежери Зафаржон Тилавулов ва бошқа ҳамкасбларимиз саъй-ҳаракатлари эвазига Ургут мини банки нафақат фойда режасини бажарди, балки, “Hamkorbank” тизимидаги энг кўп даромад берувчи мини банклар қаторидан ўрин олди. Кўрсаткичлар раҳбарият эътиборидан четда қолмади ва 2018 йилдан туманимизда Ургут филиали фаолият бошлади. Ҳозирда корпоратив хизматлар бўлими бошлиғи лавозимида ишляпман.

35 нафар ходим 3 йил-

дирки самарали фаолият юритиб келяпти. Банк филиаллари ўртасида ҳар чорак якуни бўйича ўтказиладиган “Энг яхши филиал” номинациясида 5-гуруҳ (янги очилган) филиаллар ўртасида, жорий йилнинг шу кунига қадар 3 марта ғолиб деб топилдик. Бош банк томонидан ҳар чорак якуни бўйича пул мукофоти билан тақдирландик. Моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш жамоамизга мотивация берапти. 1-чорак якуни бўйича ажратилган пул мукофоти эвазига, тумандаги “Мингарча” дам олиш масканида ҳордиқ чиқариб қайтдик. 2-чорак якуни бўйича ажратилган пул мукофоти эвазига Бухорои шарифга саёҳат уюштирдик. Энди жамоамиз билан



пойтахтга бормоқчимиз.

Ҳамкасбларимнинг кайфияти аъло. 4-чоракда ҳам ўз гуруҳимизда “Энг яхши филиал” номинациясини қўлга киритишга астойдил киришганмиз. Қишқи сиҳатгоҳларнинг бирига саёҳатга чиқмоқчимиз. Ҳа, айтгандай, банк маъмурияти ҳаминша ёшларни қўллаб-қувватлайди, изланувчан, иқтидорлиларни қадрлайди. Яқинда Бош банк томонидан ташкил этилган танловдан муваффақиятли ўтиб,

Банк - Молия Академиясининг Банк иши магистратура йўналиши талабаси бўлдим. Билим ва тажрибамни янада ошириб, банкимиз раънақида ўз ҳиссамни қўшсам дейман.

Эришаётган натижаларимизда ҳар бир ходимнинг ҳиссаси бор. Ҳар бирининг меҳнати қадрли.

Шариф МАХМАЕВ,
Ургут филиали бошланғич
касаба уюшма қўмитаси
раиси.

Мақоламиз сарлавҳасидаги таърифлар айни пайтда теннис оламида катта шов-шувга сабаб бўлаётган Буюк Британиялик спортчи Эмма Радукануга тегишли. Ҳозирда дунё миқёсидаги йирик тадбирлар, катта мусобақалар усиз ўтмаяпти.

Эмма яқинда машҳур француз компанияси — “Dior”нинг юзига айлан-ди. Энди у компаниянинг кийим-кечаклари ва пар-доз буюмлари рекламасида чиқади. Спортчининг иста-рали юзи, мафтункор табас-суми жамоатчилик диққатини яхшигина жалб этмоқда.

2002 йил 13 ноябрда Эмма Кана-данинг Монреал шаҳрида молиячи-лар — Иона ва Рене Жао Радукану-ларнинг оиласида туғилган. Отаси румин, онаси хитой. Икки ёшга тўлганида ота-онаси Лондонга кўчиб келади.

Қизалоқ ўзининг профессионал фаолиятини 2018 йилда бошлади. Орадан икки йил ўтиб, Ҳиндистонда ўтказилган катталар турнирида ғолиб бўлди.



латилди.

US Open турнири-даги ҳал қилувчи учра-шувлар олдидан отаси Эмманинг мурабби-йини алмаштиришга мажбур бўлди. Саба-би Найжел Сирс қизга психоло-гик жиҳатдан босим ўтказиб, руҳиятига салбий таъ-сир кўрса-таётган эди. Унинг ўрни-га Эндрю Ричардсон-ни синов муд-датида мураб-би й л и к к а ёллади. Шундан сўнг Эмма руҳий тасалли топди.

2021 йил сент-ябрь ойида ёш Раду-кану Нью-Йоркда

бўлиб ўтган US Open мусобақасида ақлли ва сифатли ўйин намойиш қилиб, тўрт нафар профессионал теннисчини ортда қолдирди. Ним-чорак финалда америкалик Шел-би Рожерсни, чорак финалда швей-цариялик Белинда Бенчични, ярим финалда эса грециялик дунёнинг 23-ракеткаси Мария Саккарини ишончли тарзда мағлуб этди.

Финалда у сайёрамизнинг иккин-чи ракеткаси Лейла Фернандес-га қарши баҳс олиб борди. Ўйин давомида Эмма асосий курули ҳисобланган совуққон ҳужумлар ташкил қилиб, тиззасининг сингани-га қарамай, курашни давом эттир-ди ва рақибини йирик ҳисобда доғда қолдирди. Ушбу чемпионат-да ғолиб бўлганидан сўнг унга Анг-лия қироличаси Елизавета II Ва Буюк Британия бош вазири Борис Жонсон табрик йўллади.

Эмма US Open турнирида қўлга киритган 2,5 миллион долларни ота-онаси қўлига топширди. Чунки тен-нисда иштирок этиш харажатлари катта суммани ташкил қилади. Шу кунгача эса бу харажатларни унинг ота-онаси ўз зиммасига олиб келган.

Эндиликда Радукану бутун диққатини машғулотларга қаратган ва карьерасидаги янги босқич сари қадам қўймоқда.

ОСИЁ тайёрлади.

ЁШ, МАФТУНКОР ВА СОВУҚҚОН

Уимблдон мусобақасига йўл олишдан олдин Эмма ITF Circuit чем-пионлигини қўлга киритди. Дунё-нинг WTA даражасидаги 366-раке-тасининг карьераси 2021 йил июнь ойида ўтказилган Ноттингем очик мусобақасидан бошланди. Бу тур-нирда у 1/32 финалда ҳамюрти Харриэт Дартга ютқазиб қўйди. Ой

охирида эса Уимблдонда россия-лик теннисчи Виталий Дьяченкони ишончли тарзда мағлубиятга учрат-ди. Учинчи раундда руминиялик Соран Кырстни енгиб, Умбилдон-нинг 1/8 финалига чиққан энг ёш британиялик теннисчига айланди. Бироқ тўртинчи турда руҳиятидаги муаммо туфайли мусобақадан чет-



ДОНОЛАР БИСОТИДАН

Одамлар ортингдан эргашишини истасанг, уларнинг ортидан юр!

Буюк ишлар, албатта, майда ишлардан бош-ланади.

Ягона ва энг мудҳиш хато аввалги хатоларни тузатмасликдир.

Фалсафанинг фойдаси шундаки, у ҳар қандай одам билан сўзлаша олиш имконини беради.

Ҳар қандай саволга жавоб бериш мумкин, фақат у тўғри берилса бас.

Ҳаёт одамларга саҳнадир. Унда рол танлаш кишининг ғоясига боғлиқ.

Тинглаш ва сукут сақлаш сизни донишманд-ликка етаклайди. Сукут — донишмандликнинг бошланиши.

Булут эътиқодсиз бўлганидан, шамол уни хоҳлаган томонга олиб кетади.

Жонзотларни ўлдиришдан сақланинг. Чунки одам ўлдириш жониворларни ўлдиришдан бош-ланган.

Ўтган кун ҳақидаги: "Мен уни қандай ўтказдим, нималар қилдим-у, нималарга улгура олмадим? деган саволларга жавоб топилмагунча кўзларин-гиз уйқуга кетмасин."

Ақл кириши учун ақл тиши чиқишини кутиб ўтириш шарт эмас.

Ҳозир айни куз пайти. Инсон организми учун витаминлар-га бой барча мевалар пишиб етилган. Витамин ва антиокси-дантларга бой бўлган анорнинг фойдали хусусиятлари ҳақида биламизми?

АНОР ҲАР ДОИМ ҲАМ ФОЙДАЛИ ЭМАС

Анорда нақд учта турга ман-суб антиоксидантлар — ошлов-чи моддалар, антосиан ва элло-гол кислотаси мавжуд. Бу мева ўз ҳолича ёки шарбат кўрини-шида истеъмол қилинганида ҳам фойдали хусусиятини йўқотмайди.

Парҳезда бўлганлар кун давомида бир стакан анор шар-бати қабул қилса, сезиларли вазн ташлаши мумкин. Ҳамма гап мева таркибидаги поли-фенол моддасида. У қоринни тўқ тутиб, иштаҳани назорат қилишда ёрдам беради. Анор таркибидаги юқори дара-жали антиоксидантлар юрак қон-томир касалликларидан ҳимоялайди.

Ич кетиши ичак инфекция-ларига боғлиқ бўлмаганида уни анор шарбати ёрдамида "ҳал" қилса бўлади. Бунинг учун бир стакан мева шарбатини қабул қилиш кифоя. Борди-ю, анор топилмаса, ўрнига қурилган пўстлоғини қайнатиб ичса ҳам бўлади. Милк бўшашиши-да анор пўстлоғини қайнатиб,

оғизни чайиш тавсия этила-ди. Бироқ қайнатмадан мунта-зам фойдаланиб бўлмайди. У вақтинчалик чора, холос. Тар-кибидаги ошловчи моддалар милклар ҳолатига салбий таъ-сир кўрсатиши ҳам мумкин.



Анор меваси истеъмоли кимларга мумкин емас?

Мева пўстлоғида алкалоид заҳарли моддаси бор. Шу боис мева пўстлоғидан тайёрланган дамламалар меъерини ошириб бўлмайди. Артериал қон боси-мининг кўтарилиши, бош айла-ниши, қайт қилиш ҳолатлари анордан тайёрланган дамлама таъсирида келиб чиқиши мум-кин.

Ҳар бир организм ўзи-га хос. Анордаги органик кис-

САЛОМАТЛИК

лоталар тиш эмалини емири-ши мумкин. Шарбатга озроқ сув қўшиб қабул қилиш тавсия этилади. Шарбат—ўткир нафрит, гепатит, панкреатит, ошқозон кислоталарининг юқорилиги билан кечувчи гастрит ва меъда ярасида тавсия қилинмайди. Хуснбузарлар билан кура-шишда куйидаги усулни синаб кўриш мумкин: 1 чойқошиқ туз-га 2 ошқошиқ анор шарбати ва шунча миқдордаги кир совун кўпиги аралаштирилади. Ҳосил бўлган аралашма тошма усти-га суртилади ва 5-8 дақиқадан сўнг илиқ сувда ювилади.

Томоқ оғриганда анор шар-бати ёки пўстлоғидан тайёр-ланган қайнатма ёрдамида томоқни ғарғара қилиш мумкин. Унинг таркибидаги аскорбин ва лимон кислоталари бактерицид таъсирни пайдо қилиб, шиллиқ қават яллиғланишини камайти-ради. Шунингдек, куёш нуридан зарарланганда, иштаҳасизлик кузатилганида ҳар овқатланиш олдидан ярим стакан, қўл-оёқ шишганда эса кунига 1-2 маҳал шарбатини истеъмол қилиш фойдали. Анор дони ва шар-бати ични қотириш хусусия-тига эга. Шу боис у қабзиятга мойиллиги борлар учун тавсия қилинмайди.

ОНА СУТИ СОТИЛМАЙДИ...

Ривоят қилишларича, бир подшоҳ ёши анчага бориб қолганда ўғил кўрибди. Хотини вафот этиб, фарзанди касалманд бўлиб қолибди. Мамлакатнинг ҳеч бир табиби уни даволай олмабди. Шаҳзоданинг ичи, тиши, қулоғи ва кўзи оғрир эди. Подшоҳ амир ва амалдорларга фармон берибди:

— Шундай табиб чақиринглarki, у ўғлимнинг дардига шифо топсин!

Ваҳимага тушган давлат арконлари зўр табиб қидириб юриб, чўлга кетиб қолишибди. Ярим тунда бир чўпоннинг уйида меҳмон бўлишибди. Меҳмондорчилик пайтида улар чўпонга подшоҳнинг амр-фармонини айтиб, ғам-андуҳ чекишибди. Даҳлизда боласини эмизиб турган чўпоннинг хотини меҳмонларнинг гапини эшитиб қолибди. У эрини чақириб, бир шиша суюқлик берибди ва дебди:

— Мана бу дорини уларга беринг, шаҳзодага ярим қошиқдан ичиришин, кўзига суртиб, қулоғига икки томчидан томизишин.

Вазир шишадаги дорини ноумид бўлиб олибди ва ҳамроҳлари билан сарой томон жўнабди. Подшоҳга бўлган воқеани айтишибди. Подшоҳнинг жаҳли чиқиб, тутақиб кетибди:

— Бу дорига ишонмайман. Бордию, ўғлимга бир нима бўлса, мен уни қатл эттираман. Чопарлар бориб, чўпоннинг хотинини саройга олиб келишибди. У уч кун шаҳзодани даволабди. Боланинг ичи ҳам, қулоғи ҳам, кўзи ва тишлари ҳам тузалиб, ўзи дармонга кирибди. Подшоҳ ўғлининг тузалганини кўриб, хурсандчиликдан боши осмонга етибди.

— Мен сени нима билан рози қилай? — дебди чўпоннинг хотинига. — Мол-дунё берайми, ё қаср қуриб берайми?

Чўпоннинг хотинини аччиғи чиқибди ва заҳархандалик билан жавоб берибди:

— Менга мол-дунё ҳам, шоҳона қаср ҳам керак эмас, она ҳеч қачон ўз сунтини сотмайди.

Оқила хотиннинг бу гапларига қойил қолган подшоҳ унинг пойига эгилиб, таъзим қилибди.

ИККИ ЖУФТ ПАЙПОҚ

Ота ўғлига икки мактуб қолдирди: "Бирини вафот этган куним оч, иккинчисини дафн этганингдан кейин", деб васият қилди. Вафот этгач, ўғил илк мактубни очди. Хатда: "Ўғлим, сендан бир истагим бор: мени пайпоқларим билан кўм".

Имом унинг ялиниб-ёлворишига қарамай, бу талабни қабул қилмади. Марҳумни истар-истамас пайпоқсиз кўмди. Дафн маросими тугагач, ўғил иккинчи хатни очди: "Қара ўғлим, бир жуфт пайпоқни ҳам ўзим билан олиб кетолмадим".

Рашод Нури ГУНТЕГИН.

...Қизининг тўйига гилам олгани шаҳар бозорига кетган Маҳкамбой ака кечга томон уйга келди. Нафасини ростлагач, нимчасининг чўнтагига қўл суқди-ю, ранги дув оқарди. Ҳарчанд титкиламасин, бозор харажатидан ортган анчагина пул ёнида йўқ эди. "Йўлда тушириб қўйдимми ё бозорда... Гиламфуруш кўзимга сал ғалати кўринганди. Кўзимни шамғалат қилиб билдирмай олиб қўйгандир, балким... Эҳтимол, бирон бир қўли қинғир... Ҳай-ҳай, бундай бўлишидан Худо сақласин!" — кўнглига бот-бот келаётган нохуш ўй-хаёллар уни адойи тамом қилаёзди.

Агар ИШОНМАСАНГИЗ...

Келаси бозор келгунича у кунлар тугул, ҳатто соат, дақиқаларни ҳам саноқдан ўтказиб чиқди. Якшанба тонг отар-отмас йўлга отланаркан, эшик олдида кузатгани чиққан хотинига минғирлади:

— Ҳозир одамларда инсоф қолмаган, уқдингми?

Ҳаётда ҳақиқий дўст ўз дўстига ҳар доим ҳам ёқиб ёқавермайди, бу бор гап. Чунки дўст дўстининг тутган хатти-ҳаракати, одоби, сўзи ва амалига қараб муносабат билдиради.

САМИМИЯТ БАҲОСИ

Ғаним эса ўзига манфаатли дақиқа ва имкониятлардан унумли фойдалана олиш пайида... Ахир, ўзингиз айтинг, яқин инсонларингиздан бирортаси сизга ҳар гал "Сен доносан", "Сени жудаям ҳурмат қиламан", дея тўтидек жонсиз, ҳис-ҳаяжонсиз гапларни такрорлаганини эшитганмисиз? Аксинча, у дўстга бўлган ўша меҳру оқибатини кўпинча юрагида пинҳон сақлайди.

Тўғри, ҳар замонда муносабат билдириб турилади. Лекин жойида, меъёрида ва таъсирли ҳолатда. Зеро, мавридсиз билдирилган лутф устоздан ҳайбатни, дўстан самимиятни, қариндошдан меҳрнинг кетишига сабаб бўлади.

«Фарзанднома»
китобидан.

Бировнинг ҳақидан сира-ям кўрқишмайди. Пулим топила-са топилди, агар топилмаса, бутун мелисани оёққа турғиздираман,



қадамим етган ергача бораман.

— Ҳай-ҳай, дадаси, ундан кўра эрталабдан ниятни яхши қилинг. Дунёда яхшилар кўп.

— Овозингни ўчир-е! Яхшилар кўпмиш! Улар кўп бўлганда, мен шунақа аҳволга тушмасдим.

У бозорга етгунча ҳам одатдаги "дийдиё"сини айтиб, ёнидагиларнинг қулоғини қарахт қилиб юборди. Машинадан тушиб, шоша-пиша гилам бозорига йўл олди. Гиламфуруш уни узоқдан кўриб, икки қўлини кўксига қўйди. "Ҳа, ноинсоф, қайтиб келишимни кутмаган шекилли. Бормасимданоқ кечирим сўраб, ўзича такаллуф қилапти. Пулимни ўмаргани аниқ".

— Хайрият, хайрият, Худо сизни менга қайта йўлиқтирди, — гиламфуруш ўзини айбдордай ҳис қилиб Маҳкамбой акага пешвоз чиқди. — Ўзига минг қатла шукр! Ўша кундан бери хавотирда эдим.

— Нега? — Маҳкамбой ака ҳеч нима билмагандай унга синчков тикилди. — Ё гиламга берган пулим кам чиқдимми?

— Йўғ-е, аксинча. Гилам харид қилиб кетганингиздан анча вақт ўтиб, бундай қарасам, анави гиламнинг бир четида кўк чорси турибди. Ичида анчагина пул. Уни белингиздан ечганингиз ёдимга тушиб, "унутиб қолдирганини эслаб, келиб қолар", деган умидда йўлингизга кўз тутаётгандим. Мана, ака, омонатингизни олинг.

Осмондан тушган одамга йўлиққандай Маҳкамбой ака сотувчига ҳайратланиб тикилди. Сўнг:

— Ҳаммаси жойидами? — дея чорсига имо қилди.

— Тушунмадим?

— Пулнинг ҳаммаси жойидами деяпман-да.

— Ёпирай! Мен чорсининг ичига бир қарадим, холос. У ёғи Аллоҳга аён.

Маҳкамбой иягини силаб "Ҳм-м" деди-да, чорсидан учта қоғоз пулни чиқариб, рўпарасидаги кимсага узатди.

— Манг, суюнчи!

— Ие, бу қанақаси? Бировнинг ҳақи луқмамизга қўшилиб қолишдан Яратганнинг ўзи асрасин. Пулингиз ўзингизга буюрсин. Биз ҳалол насиба илинжидамиз, ака.

...Қайтишда юзи заҳил бир кимса "одамларда ҳеч ҳам инсоф қолмагани" ҳақида минғирлай бошлади. Йўл бўйи миқ этмай келаётган Маҳкамбой аканинг тоқати тоқ бўлди.

— Ҳей, биродар, бўлмағур гапни ҳадеб айтаверманг. Инсофли одамлар бор экан. Агар ишонмасангиз, ана, гилам бозорига боринг...

У шундай деб луқма ташлагач, белидаги чорсини мамнунлик билан сийпалаб қўйди.

Ҳалимжон ТОҲИРОВ.

КЕЛИНГ, БИР КУЛИШАЙЛИК

— Табриклайман! Сиз тузалдингиз! Буни прогресс деб атасак бўлади!

— Қанақа прогресс? Мен олти ой олдин Напа-леон эдим, ҳозир ҳеч кимман! Шуни прогресс деяп-сизми?

Аёл эркакдан сўради:

— Сиз эркаклар аёлларни кўзларингиз билан севасиз. Шу тўғрими?

— Тўғри.

— Унда нега қачон қараса қора кўзойнак тақиб юрасизлар?

— Севиб қолишдан ўзимизни асраймиз!

Бекатда эркак бошқа бир эркакка деди:



— Ҳозирги ёшлар кийинишда жуда ҳаддан ошиб кетган! Ана, ҳов анави қизни қаранг, худди суюқоёқларга ўхшаб кийинволибди!

— У қизмас, менинг ўғлим!

Бошлиқ ходимдан сўради:

— Нега ишга кеч қолдингиз?

— Ўзингиз нега маошни кечиктиряп-сиз?

— Кечиктирсам ҳам, барибир, оляпсиз-ку!

— Мен ҳам кечикканим билан ишга келяпман-ку!

Эркак дўстини қўлтиқтаёқда кўриб, сўради:

— Нима бўлди?

— Автоҳалокатга учрадим.

— Даҳшат! Энди қўлтиқтаёқсиз юра олмай-санми?

— Билмадим. Шифокор юра оласиз деяпти, адвокатим эса аксини гапир-япти.

Ишдан ташқари суҳбат

Фурқат Эрназаров Қашқадарёнинг Чироқчи туманидан. Болаликдан лидерлик учун курашган. Мактабда етакчиликдан бошланган бу ҳаракат кейинчалик раҳбарлик билан уланди. Бугун у "Hamkorbank"нинг Чирчиқ филиали бошқарувчиси. Суҳбатимиз ишдан бир оз ташқари бўлди.

— Адабиётни жуда севар экансиз. Иқтисодчи бўлсангизда кўп китоб ўқишингиз...

— Китобсиз яшолмайман. Мақтаниш деманг, бир ойда камидан учта китоб ўқишга одатланганман. Чарчаганда, асабим бузилганда ҳам қўлимга китоб оламан. Биласизми, бу мен учун катта тарбия. Ўқиганларимга амал қиламан. Дунёқарашим кенгайди, сўз бойлигим ортади. Айниқса, раҳбар учун бу жуда муҳим. Бошқарув мавзусига оид китоблар доим иш столида туради. Ходимлар билан ишлашда кимдандир маслаҳат олиш ўрнига китобга суянаман.

— Бунинг сабаби нимада?

— Ўқитувчи оиласида туғилганман. Дадам Чироқчидаги 47-мактабда кўп йиллар муаллимлик қилган. Болалигимизда кечки овқатдан сўнг доим газета ёки китоб мутулаасига вақт ажратарди. Биз ҳам шунга одатланганмиз.

— Филолог ёки журналистликни эмас, банкирликни танлагансиз...

— Иқтисодиёт оиламизнинг қонқонига синган. Ҳисоб борасида жуда талабчанмиз. Яқинларимизнинг кўпчилиги иқтисодчи. Акам Мансурбек ва опам Насибхон банк ходими. Уларга ҳавас қилардим. Шундай бўл-



Чироқчидан иққан ЛИДЕР

сада, мактабни тамомлагач, доришунос бўлишга қарор қилдим. Фармацевтика олийгоҳига ўқишга кирдим. Бироқ отам иқтисодчи бўлишимни орзу қилганини сезиб қолдим. Падаримнинг шу орзуси сабаб Тошкент давлат иқтисодиёт университетида ҳужжат топширдим. Омадим келиб талаба бўлдим. Ана шунда бу соҳага боғландим.

— Банк ходими қандай бўлиши керак?

— Пулга меҳр қўймасангиз, коррупцияга қадам босмасангиз бас. Қолгани ўзингизга боғлиқ. Яна муомала маданияти зарур.

— Ҳаётда кўпроқ кимга эргашасиз?

— Отамдаги кўп хислатлар — тартиб-интизом, ўзига нисбатан талабчанлик ва

қатъиятлиликини ҳурмат қиламан. Барча яхши жиҳатларни отамдан ўрганганман. Доимо "агар учрашув белгиласанг, кеч қолма", дея кўп такрорлардилар. Бу ҳам қатъият, инсоннинг ҳурмати оширади.

— Раҳбарлик қийин эмасми?

— Масъулиятни унутмасангиз бўлгани. Яна ходимлар билан ишлашда ўз услубингиз бўлиши керак. Ҳамкасбларимнинг ҳар бири алоҳида олам. Керак бўлса уларни ҳар кунни ўрганаман. Дўстлашиш ҳам фойдали.

— Ёшсиз. Дам олиш, оила, фарзандлар...

— Ҳаммасига улгураман. Айниқса, оила мен учун муҳим. Дам олиш кунларини деярли фарзандларим билан ўтказаман. Таътил даврида имкон қадар улар билан хориж сафарида бўламан. Бу ҳаммамиз учун фойдали.

— Бунга маблағ...

— Маошимиз ёмон эмас. Турмуш ўртоғим ҳам ўқитувчи бўлиб ишлайди. Йил давомида бунинг ҳисобини оламан. Келажакда фарзандларим бизнинг даражамиздан баланд бўлишини истайман. Бунинг учун ҳозирдан тайёрлаб бориш керак.

— Қишлоқдан келиб, Тошкентлик бўлиб кетиш осон бўлмагандир?

— Бироз. Болалигим кўпроқ пойтахтда ўтган. Ҳозир ҳам ўзим яшайдиган Тошкент шаҳридаги Обод маҳалласини жуда яхши кўраман, соғинаман. Қўшнилари билан бир оила бўлиб кетганмиз.

— Улар билан бир даврда ўтирганда ўзингизни қандай тутасиз?

— Умуман давр танламайман. Айниқса, қўшнилари мен учун қадрли.

— Инсонлардаги сизга ёқмайдиган хислат?

— Умидсизлик. Инсонда ишонч мустаҳкам бўлиши, олдинга қараб интилиши керак.

— Сиз ёқтирган жой?

— Ота маконим — Наврўз қишлоғи. Соғиниб яшайман ва борица севаман.

— Яна...

— Ҳаётда ҳеч қачон адашмаслик.

Акбаржон НАЗАРОВ
суҳбатлашди.

**Эшитмадим,
деманглар!**

**ТЕЗ,
АРЗОН
ВА
ҚУЛАЙ**

**МАҲСУЛОТ — СИЗДАН,
ТАРҒИБОТ — БИЗДАН**

Мулкчилик шаклидан қатъий назар, барча корхоналар, ташкилотлар, муассасаларнинг тиниб-тинчимас мутасаддилари, тадбиркорлар! Ўзингиз ишлаб чиқараётган маҳсулотлар ва хизматларнинг талабчан харидорлару таъби нозик мижозлар эътиборини тезроқ жалб қилишини истайсизми? Жамоангиз иш фаолиятининг республикамиз аҳли кенг хабардор бўлишини ва сизнинг доимий мижозингизга айланишини хоҳлайсизми?

Бунинг ечими осон ва оддий. Бу борада сизга жонажон диёримизнинг барча гўшаларига ҳар ойда икки бор "ташриф буюрадиган" "HAMKOR PRESS" газетаси энг яхши кўмакчи ва энг яқин ҳамкордир. "Реклама ҳуқуқи асосида" ёхуд "Реклама ва эълонлар" каби тижорий рукнлар остида нашримиз саҳифаларида Сиз ўз маҳсулотларингизни ва хизматларингизни мамлакатимиз бўйлаб кенг тарғиб қилиш, олди-сотдисини ташкиллаштириш имконига эгасиз.

Вақтни қўлдан бермай биз билан ҳамкорлик қилинг, ишончли ва самарали хизматимиздан фойдаланинг. Реклама, эълон ва тижорий материаллар учун тўлов нархи бошқа нашрларга нисбатан бизда арзон ва газетамиз саҳифаларидан ташқари веб-сайтимизда ҳам бериб борилиши кафолатланади.

Реклама, эълон ва тижорий материаллар матнлари ва сўровнома (алоқа хати) таҳририятимиз манзилига электрон почта, телеграмм ёки почта орқали юборилиши мумкин. Тўлов буюртмачи хоҳишига кўра, у истаган усулда амалга оширилади.

Шунингдек, жисмоний шахсларнинг шахсий аҳамиятга молик эълон ва билдирувлари (диплом, шаҳодатнома, ҳайдовчилик гувоҳномаси, уй-жой ва мол-мулк кадастр ҳужжатлари, уй олди-сотдилари кабилар) ҳам нашримизда берилиши йўлга қўйилганлигини маълум қиламиз.

Тез, арзон ва қулай. Азиз юртдошлар, биз сизларга олтин стандарт асосида хизмат кўрсатамиз ва бундай имкониятдан фойдаланишни таклиф этамиз.

ТАҲРИРИЯТ.

Суҳбатдош ҳақида:

1984 йилда Қашқадарёда туғилган. Фаолиятини "Hamkorbank"нинг Яккасарой филиалида бошлаган. 2020 йилдан буён Чирчиқ филиали раҳбари.

*** Ҳар қандай қийинчиликни синов деб билади.**

*** Хориж сафарлари жони дили.**

*** Оилали, уч ўғилнинг отаси.**

*** Энг катта бойлиги: ота-онасининг борлиги.**

*** Ҳаётдаги шиори: одамларга яхшилик қилиш, доим олдинга қараб ҳаракатланиш.**


"МЕН АНДИЖОНЛИКМАН"

Андижон шаҳридаги 50-умумтаълим мактабида журналист ва ёзувчи Асадулло Мирзаакбаровнинг яқиндагина нашрдан чиққан "Мен андижонликман" деб номланган китобининг тақдироти бўлиб ўтди.

Мактаб ўқитувчилари яшаш ва фаровон турмуш кечирishi учун аъло баҳоларга ўқиш, билимли ва зукко бўлиш давр китобдан олган таассуротларини сўзлаб берди. Муаллиф "Яхши куннинг талаби

иқтисодчи бўлишдир. Иқтисодий билимлар ҳар бир замон учун долзарб" дея босиб ўтган ҳаёт йўли ҳақида сўзлаб берди. "Hamkorbank" да ишлаган йилларида алоҳида тўхталди. Адабиёт ихлосмандларининг қизиқтирган саволларига жавоб берди.

(ЎЗ МУХБИРИМИЗ).



HAMKOR PRESS

МУАССИС:

"HAMKOR PRESS" MCHJ

Бош муҳаррир: А. НАЗАРОВ

Газета Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида
2021 йил 19 майда
1181 рақам билан қайта рўйхатга олинган
Индекс: 460
e-mail: hamkor.press@mail.ru

Газета "Hamkor Press" таҳририяти компьютерида терилди ва саҳифаланди.
Нашр учун масъул:
Н.ИУЛДОШЕВА
Саҳифаловчи:
А. КАБИРОВ
Манзилимиз:
Андижон шаҳри,
105100, Бобур шоҳқўчаси 53-уй.
Тел: 78 298-01-07

"ZAKOVAT" NASHRIYOT UYI MCHJ босма-хонасида чоп этилди. Босмахона манзили: Косонсой шаҳри, Чорбоғ кўчаси, 17-уй.

Босишга топшириш вақти - 18.00

Топширилди - 20.00

Қоғоз бичими - А3

Буюртма: Адади: 6029

1 2 3 4 5 6

Ҳажми 2 босма тобоқ.

ISSN 2181-9734



Сотувда келишилган нархда.